

V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ҲОҲДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан ғойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланган ва икки нусхада тузилган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1.-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, ғойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2.-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми кийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қўйиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан ғойдаланиш устуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларининг зараратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- ғойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижада қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга старли микдорда олинган тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларнинг ишга туқилиш қиливчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан ғойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашиш ёки бошқа қондалузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижада етказилган моддий зарар ёки бой берилган ғойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайд.

6.2. Тармоққа қайта улашишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг бравари микдорига ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қўйиладиганга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улашиларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб берил қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш устуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамда уч йил мобайнида ўзида саклашини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилунига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида хукуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида қилинган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан ғойдаланувчи устуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- оқват тайёрлаш учун мўлжалланган газдан ғойдаланиш устуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан ғойдаланиш устуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан ғойдаланиш устуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан ғойдаланиш устуналарини 5 сутка мудат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчидидаги хукуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартриш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улашиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан ғойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарурати юзага қелганда, Истеъмолчи билан қелишмасдан ва уни оғохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки қеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондалузарликлар бартараф этилунига қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қўйиладиганга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан ғойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва устуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;